



**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

**РОЛЬ И МЕСТО
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ
КОМПЕТЕНЦИЙ В
ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ
РАЗВИТИИ**

**17.05.2022
ТАШКЕНТ**



**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

**Кафедра «ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ДИСЦИПЛИНЫ И
КУЛЬТУРА»**



**СБОРНИК ТРУДОВ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ**

**РОЛЬ И МЕСТО
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ
КОМПЕТЕНЦИЙ В
ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ РАЗВИТИИ**

Ташкент — 2022



УДК 378:340

Главные редакторы:

Носирходжаева Г.А. - заведующий кафедрой «Общеобразовательные дисциплины и культура»; к.ф.н., доцент.

Ибрагимов К.Д. - ст.преподаватель кафедры «Общеобразовательные дисциплины и культура».

Редакционная коллегия:

Юнусова М.С - доцент кафедры «Общеобразовательные дисциплины и культура», к.ф-м.н.;

Джуманиязова Д.К. - в.и.о.доцента кафедры «Общеобразовательные дисциплины и культура», д.ф.ф (PhD)

Каримов А.З - доцент кафедры «Общеобразовательные дисциплины и культура», к.ф-м.н.;

Азимова Д. – в.и.о.доцента кафедры «Общеобразовательные дисциплины и культура», к.э.н.;

Обламуродова Х.Н. – в.и.о.доцента кафедры «Общеобразовательные дисциплины и культура»;

Маматкулов Р.П. - ст.преподаватель кафедры «Общеобразовательные дисциплины и культура», к.ф.н.

Шаякубов Ш.Ш. - ст.преподаватель кафедры «Общеобразовательные дисциплины», к.и.н.;

Ибрагимов К.Д. - ст.преподаватель кафедры «Общеобразовательные дисциплины».

Международная научно-практическая конференция «Роль и место профессиональных компетенций в профессиональном развитии» – Ташкент: Ташкентский государственный юридический университет, 2022.



4. Образование и бизнес: предпринимательский подход в обучении как фактор социальной адаптации молодежи. – Петрозаводск, 2006.

БАДИЙ ТАЪЛИМДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИ ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ ЭТИКА ВА ПРОФЕССИОНАЛ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Исламова Фотима Шамсиддиновна,

Ижтимоий фанлар, педагогика ва касбий таълим кафедраси катта ўқитувчиси

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

+998(90) 010-58-88. Kaala2006@mail.ru

*Қаламини бошиқа биров тарашлаб берган
қаламкашдан ҳеч нарса кутиб бўлмайди.*

Содиқбек Афишор

Аннотация. Ушбу мақолада бадий таълимда бўлажак ўқитувчини тайёрлашда касбий этика ва профессионал масъулият ҳиссини тарбиялаш муаммолари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: устоз, шогирд, касб-хунар, касбий этика, профессионал фаолият, масъулият ҳисси, бадий таълим, бўлажак ўқитувчи.

Аннотация. В данной статье речь пойдет о проблемах воспитания профессиональной этики и чувства профессиональной ответственности при подготовке будущего педагога в художественном образовании.

Ключевые слова: учитель, ученик, профессия, профессиональная этика, профессиональная деятельность, чувство ответственности, художественное образование, будущий педагог.

Annotation. In this article we will talk about the problems of educating professional ethics and a sense of Professional Responsibility in the preparation of a future teacher in artistic education.

Keywords: teacher, Apprentice, profession, professional ethics, professional activity, sense of responsibility, artistic education, future teacher.

Мамлакатимизда рўй бераётган маънавий ўзгаришларбарча соҳалардаги каби профессионал таълим йўналишида таҳсил олаётган бўлажак тасвирий ва амалий санъат педагогларининг зиммасига ҳам ўта масъулиятли вазифаларни юклайди. Дарҳақиқат, халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан халқаро микёсда ўзлигини тўла намоиш этмоқда.



Айни янгиланиш, ривожланиш даври ёш авлодни билимдон, яратувчан, юксак маданиятли ва мустақил мамлакат тақдири учун масъул шахслар қилиб тарбиялашни тақозо этмоқда. Улуғвор бунёдкорлик ишида нафақат фан ўқитувчилари, балки мутахассислик фанларини ўқитиш орқали касб ҳунар эгаларини тайёрлайдиган касбий таълимда малакали, ғайратли ўқитувчи ёшлар пешқадамлик қилмоқликлари лозим.

Касбий таълим ўқитувчиси бошқа фанлар ўқитувчилари каби биринчи галда энг юксак фазилатли, ахлоқий пок, иймон ва эътиқодли, ҳалол ва софдил, болаларга нисбатан меҳрибон, ўзбек халқининг урф одатлари, анъаналарини яхши биладиган шахс бўлиши керак. Ўқитувчининг касбий хусусиятлари борасида тўхталганда шуни таъкидлаш лозимки, у энг аввало ўз касбини дилдан севадиган, ўз ишига ижодий ёндашадиган, касбий этика ва маданиятга эга, профессионаллик масъулият ҳисси унда тарбияланган бўлмоғи талаб этилади. Бу замонавий педагог шахсида янги билимлар ва илғор тажрибаларга чанқоқлик, креатив тафаккур ва юқори компетенцияларнинг мавжудлиги, муҳими унда ташкилотчилик, кузатувчанлик, қатъийлик хусусиятлари яққол сезилиб турмоғи давр талаби. Ўқитувчи бадиий таълимдан маҳсус билим ва малакалар билан қуролланмасдан туриб аудитория бошқариши мумкин эмас.

Бугунги талаба яъни бўлажак педагог, ўзбек халқининг ҳамда ўтмиши бир бўлган Марказий Осиё халқларининг амалий ва тасвирий санъат борасидаги ноёб намуналарини ўзлаштирган бўлиши ва тўлалигича ёшларга улашмоғи айни давр талабидир. Дарҳақиқат, бўлажак тасвирий ва амалий санъат ўқитувчиси зиммасига қуйидагилар .

Ўзбекистонда ижод педагогикаси нафақат бадиий таълим тараққиёти билан, балки унинг цивилизацияда юқори чўққиларини забт эта оладиган ватанимиз тарихи, тенги йўқ санъати, тақрорланмас маданияти, юксак маънавияти ҳамда ижтимоий маиший ҳаётининг воқеаларини куйлайдиган тасвирий санъат асарларини яратувчи рассом ижодкорларни профессионал кадр қилиб тайёрлайдиган ўқитувчи маҳоратига ҳам чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам бўлажак рассом - педагогларни тайёрлашда аввало бугунги кунда замонавий мутахассис педагогни тайёрлашга қўйиладиган талаблар асосида уларда касбий этика ва профессионал масъулият ҳиссини тарбиялаш муаммоларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро касбий этика - жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосликларига нисбатан тадбиқ қиладиган, касбий бурч, шаън, ор-номус, кадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир. Бадиий таълимда бўлажак рассом педагоглар тайёрлашдаги профессионал таълим мазмуни ва устоз рассомларнинг бу борадаги фаолияти касбий этика, профессионаллик масъулияти ҳисси, ижодий ютуқлари, шунингдек, педагогик маҳорати ҳақида деярли ҳеч қандай илмий ёзма манбалар мавжуд эмас. Бу эса илмий педагогик жиҳатдан ўрганиш орқали улардаги устоз-шогирдлик сирларини, бир сўз билан айтганда, ижод педагогикасини англаб олиб, бу тажрибани бадиий таълимда тайёрлаб келаётган ҳар бир бўлажак рассом-педагог кадрларни ҳар жиҳатдан ўқув ва ижодий жараёнларда шакллантиришда қўллаш, қолаверса, уларда касбий этика ва профессионал масъулият ҳиссини тарбиялашни бугунги куннинг ўзи тақозо этмоқда. Шундай экан, бу борада улар эгаллаётган билим, кўникма ва малакаларда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтсак:

- таълим бериши лозим бўлган ўқувчи ёшларга санъат сирларини, унинг мероси намуналарини ҳар томонлама ўргатиш;



- ўқувчи ёшларни бадий таълим йўналиши бўйича ижодкорликка етаклаш, лаёқат сезилганда эса астойдил ўргатиш учун махсус ихтисослаштирилган мактаблар ёки тўғарақларга жалб этиш;

- ўқувчи ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатиш борасида ўз устида доимо изланиш, ўқувчилар ўқув фаолиятини янада ривожлантириш, тўғри ва асосли шакллантириш учун педагогик қоидалар асосида тажрибалар олиб бориш;

- турли давр, турли халқларга мансуб тасвирий ва амалий санъат асарларини бадий таҳлил ва мушоҳада қила олмоғи ва уни тушуниш сирларини ёшларга улашиш услубларига эга бўлиш;

- бадий таълим инсонни шакллантиришдаги муҳим ва ишончли воситаларидандир. Бундай имкониятни ҳар бир машғулотда қўллаш учун янгича услуб ва мумкин бўлган усулларни ишга солиш.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кун бадий таълим йўналишида профессионал таълим олаётган ҳар бир бўлажак касбий таълим ўқитувчисининг келажакдаги педагогик фаолиятида профессионаллик масъулиятини ҳис қилиши эзгуликка бошловчи йўлдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.Ойдинов. Рассом-ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. Монография.- Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1997 -214 бет.
2. Fayazova, F. S., Otajonova, O. A., & Islamova, F. S. (2021). The Role Of Art Therapy In The Formation Of Healthy Living Skills In Adolescents. *NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal/ NVEO*, 15291-15295.
3. Islomova, F., & Fayozova, F. (2021). Family traditions in vocational guidance, a guarantee of preparing young people for independent living. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 34-38.
4. Sh, I. F., & Vaniyan, S. B. (2021). THE ROLE OF PARENTS IN FORMING SPIRITUAL EDUCATION ON THE BASIS OF CREATIVE APPROACHES. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 2(12), 162-165.
5. Исламова Ф.Ш. Миллий анъаналар асосида ўғил болаларни оилага тайёрлашнинг педагогик-психологик усуллари. “Таълим, фан ва инновация”. Маънавий-маърифий илмий-услубий журнал. Тошкент. 2019/3-сон.)
6. Ashurov N.R, Rakhmonova F.Sh, Fayazova F.Sh. Pedagogy as a science of education and personal development. Published by: TRANS Asian Research Journals AJMR: Asian Journal of Multidimensional Research (A Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Impact Factor: SJIF 2020 = 6.882 March 2020 .
7. О.Отажонова , В.Каримова. Касбий психология. Ўқув қўлланма К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти.- Т.: “Iqtisod Moliya”, 2018 -232 бет.
8. О.Отажонова. Китобга расм ишлаш жараёнида психологик ёндошувнинг ўзига хос аҳамияти. -Т.; Та’лим, фан ва innovatsiya. 2019/4-сон.
9. Djumaniyazova D. K., Muxamedova M. S. APPLICATION OF SCIENTIFIC TERMINOLOGY IN THE STORAGE AND RESTORATION OF WORKS OF ART IN MUSEUMS //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X). – 2022. – Т. 3. – №. 03. – С. 40-44.